

НЕМИС ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРНИНГ СТРУКТУР - СЕМАНТИК ТАДҚИКИ

Зебо Шухрат қизи Қодирова

ЎзМУ, ХФФ, Лингвистика (немис тили) - курс магистранти
Илмий раҳбар – Ф.ф.ф.д. (PhD) З. И. Санақулов

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада немис тилига ўзлашган сўзларнинг структур – семантик тадқиқи масаласи кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: семантика, тилшунослик, лексикология, немис тили, феъл.

КИРИШ

Тилшуносликка оид адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда дунёда 7000 дан ортиқ тиллар мавжуд бўлса-да, улардан баъзиларигина бизга таниш ва жонли нутқда қўлланилиб келмоқда. Дунёга таниш бўлган немис тили ҳам беш давлатда расмий давлат тили сифатида қабул қилинган. Деярли ҳар бир тилда эскирган сўзларни мулоқотдан чиқиб кетиши ва янги сўзларни бошқа тиллардан ўзлашиш жараёни мавжуд. Шунинг учун тобора кам қўлланилиб борилаётган сўзлар вақти келиб ишлатилмай, тилда қўлланилмай боради, ундай сўзларни ўрнини эса янги ўзлашган сўзлар эгаллайди. Бундай жараён немис тилида “Лексикология” фанида ўрганилади. Бу жараённинг ўзига яраша тарихи ва сабаблари бўлган ва унда лотин, грек, француз ва итальян тилларидан катта из қолган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Масалан, тарихда шундай давр бўлганки, у даврда француз тилидан мода соҳасида янги сўзлар немис тилига ўзлаша бошлаган. Кейинчалик эса итальян тилидан иқтисод соҳасига оид бўлган сўзлар немис тилига ўзлаша бошлаган. Бу жараён сабабларидан бири эса, қайсидир даврларда аниқ бир соҳанинг ривожланиб, дунёга танилиб боришидир. Масалан, охириги 10 йилликни оладиган бўлсак, ҳозирги кунда дунёнинг деярли ҳар нуқтасида қўлланиладиган инглиз тилидан ўзлашган ва ўзлашаётган сўзлар миқдори жуда кўп (*Jaguar, Ananas, Kolibri, Totem*). Улар орасида ёшлар лексикасига оид сўзлар ҳам бор. От сўз туркумига оид сўзлардан қуйидагиларни мисол тариқасида келтириш

мумкин: *das Design, der Trouble, der Computer, die Cola, das Team, der Popstar*. Фел сўз туркумига оид ўзлашган сўзларга эса: *jobben, sorry, facebooken, googlen, chatten, skypeen*. Умуман олганда, уша бизга таниш бўлган инглиз тили ҳам икки хил, бу американча ва британча инглиз тиллари. Уларнинг фарқи асосан талаффуз ва имлосида деб қараса ҳам бўлади. Американча инглиз тилидан ўзлашган “Табак” сўзи ҳозирги кунда тамаки маҳсулоти дегандан кўра, бизга “Табак” сўзи таниш бўлиб қолган. Ёки бизнинг лексикамизга ўзлашиб келаётган рус тилидаги “уже”, “кружка”, “вилка”, “сырь”, “карта”, “холодильник”, “магазин” каби сўзлар. Бу сўзларни ўз она тилимизда камдан кам қўллаймиз, балки ҳаммага таниш бўлган кўринишда қўллаймиз. Қисқа қилиб айтганда, бир тилга иккинчи тилдан сўзлар ўзлашиш жараёни ҳозирги кунда типик ҳолдир.

Немис тилига ўзлашган сўзлар бўйича олимларнинг ҳар хил қарашлари ва классификациялари мавжуд. Рус лингвисти Л. С. Гранаткина бу жараённи 3 гуруҳга бўлган. Булар: *интернационал сўзлар, кўп қўлланиладиган ўзлашган сўзлар ва кам қўлланиладиган ўзлашган сўзлар*.

Немис лингвист олими К. Геллер эса ўзлашган сўзларни 4 гуруҳга бўлган. Булар:

1. *Талаффузи тўғридан-тўғри мос келадиган ўзлашган сўзлар;*
2. *Талаффузи мос келмайдиган ўзлашган сўзлар;*
3. *Кўп маъноли ўзлашган сўзлар;*
4. *Кенг маъноли ўзлашган сўзлар.*

Кенг маъноли ўзлашган сўзлар деганда шундай сўзлар назарда тутилганки, контекстга қараб бошқа - бошқа маъноларни акс эттириши мумкин бўлган сўзлар.

Тилнинг лексик таркиби жамиятнинг сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ равишда такомиллашиб боради. Ҳар бир тилнинг бойлиги ҳисобланган луғатлар ҳам жамиятдаги сиёсий – маънавий қарашларга мос ҳолда яратилади. Немис тилига ўзга тиллардан ўзлашган сўзларни ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маданий – маърифий ва спорт соҳаларига ажратиб ўрганиш мумкин. Ўзга тиллардан немис тилига ўзлашган сўзлар немис тили лексикасининг бойлигини таъминлайди. Ҳар бир тилда сўзлар йилдан йилга янгилашиб бориши сабабли, тилга сўзларнинг ўзлашиш жараёнига оид мавзулар долзарб мавзулардан деб ҳисоблаш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозими, бу муаммони ўрганишда давом этиш ва уни турли қирраларини очиб бериш керак деб ўйлайман. Бундан ташқари немис тилига бошқа тиллардан кириб келган сўзларни икки тилли луғатини яратиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Wolfgang Fleischer . Wortschatz der deutschen Sprache in der DDR. Leipzig, 1986.
2. Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie, 1970.
3. Аритюнова Н. Д. Новое в зарубежной лингвистике. М., 1982.
4. Бабаянц В. А. Ангицизмы в немецком языке. Тамбов, Грамота, 2015.